

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 4 июль, № 135 (8478) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕХҲТ ДИИҲБ МИССИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХҲТ ДИИҲБ) миссияси раҳбари Урсула Гачек билан 3 июль куни бўлиб ўтган учрашувида бўлажак Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.**

Давлатимиз раҳбари ЕХҲТ билан конструктив мулоқот, фаол алмашинувлар, очиқ ва самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини катта мамнуният билан қайд этди.

Бюро экспертлари миллий сайлов тизимини модернизация қилишда, шу жумладан, мамлакатимиз Сайлов кодексини ишлаб чиқишда иштирок этган.

ЕХҲТ ДИИҲБ миссияси жорий йил 30 апрель куни бўлиб ўтган Конституция бўйича референдумни кузатишда ҳам қатнашган эди.

Учрашувда умумхалқ овоз бериш жараёнини халқаро стандартларга мувофиқ ўтказишнинг турли жиҳатлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ДИИҲБ миссияси раҳбари Урсула Гачек Янги Ўзбекистондаги ортга қайтмас демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлади. Мамлакатимизда шаффоф ва адолатли сайлов ўтказиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар қайд этилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон – Қозоғистон Давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2022 йил 22 декабрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 16 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 23 июнда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон – Қозоғистон Давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2022 йил 22 декабрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 30 июнь
№ ЎРҚ—849

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШҲТ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан 4 июль куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг видеоанжуман шаклида ўтадиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Саммит кун тартибига мувофиқ, ШҲТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ташкилот фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Учрашув якунида ШҲТ давлатлари раҳбарлари томонидан иқтисодий ҳамкорлик, рақамли трансформация, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, маданий-гуманитар соҳа ва бошқа устувор йўналишлар бўйича бир қатор қарорлар қабул қилиниши кутилмоқда.

**ЎзА.**

## ҲИНДИСТОННИНГ ШҲТ ДОИРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН ҲАМОҲАНГДИР

*Ҳиндистон етакчи оммавий ахборот воситаларида ушбу мамлакатнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)да якунланаётган раислиги мавзуси ёритилар экан, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

"The Economic Times" газетаси шарҳловчиси Дипанжан Чаудҳури Ҳиндистоннинг ШҲТга раислиги ниҳоясига етаётгани, мазкур раислик ушбу мамлакат учун ҳам, ШҲТ учун ҳам тарихий аҳамиятга эгалиги ҳақида фикр юритган. Шу маънода, газетада Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчиси Дилшод Аҳатовнинг "Ҳиндистон ушбу изчил ривожланаётган халқаро тузилмада биринчи марта раислик қилмоқда ва бу орқали ШҲТ доирасида янги аъзо давлатлар иштирокида раислик доирасини бошлаб берди", деган сўзлари келтирилган.

Материалда Ҳиндистон раисликни ўтган йили Самарқанд саммитида Ўзбекистондан қабул қилиб олгани таъкидланган. Ўзбекистон ШҲТга раислик қилишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олгач асосий эътиборни ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш ва ҳар бир иштирокчи мамлакатнинг фойдаланилмаган резервларини ишга солиш орқали ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратгани эслатилган.

Газетада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари келтирилган: "Азал-азалдан Самарқанд турли ғоя ва билимлар "қайнаган" макон бўлиб, бу масканда инсониятнинг тинч ва фаровон яшаш, ўз куч ва имкониятларини рўёбга чиқариш, бахтли ҳаёт кечириш каби муштарак мақсадлари мужассам бўлган. Бу табаррук заминда яшайдиган ҳар бир одам, яхши қўшни — бу Худо инсонга ато этган бахтнинг бир бўлаги эканини, тинч-тотув қўшничилик эса баракот манбаи эканини чуқур англаган. Зеро, ҳамкорлик, савдо, ижод, илм-фан ва санъат, инсоний ғоялар устувор бўлган жойда эзгуликлар кўпаяди, халқлар фаровон ва ўзаро аҳил яшайди".

➡ 4

Мулоқот

## МАҲАЛЛАЛАРДАН БОШЛАНГАН ИСЛОҲОТЛАР МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Тошкент вилоятининг Паркент туманида бўлиб, маҳаллалар фаолияти, тадбиркор ва фермерларга яратилган шароит билан танишди, оддий аҳоли вакиллари билан мулоқотда бўлди.*

Хусусан, 2,7 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган "Марказий" МФЙда нуронийлар ва маҳалла аҳли билан самимий суҳбат бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида бугунги кунда юртимиз маҳаллаларини ривожлантириш мақсадида кўрилаётган чоралар, шу жумладан, уларни моддий қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, ёшларнинг таълим-тарбияси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Суҳбат асносида нуронийлар ва маҳалла фаоллари кейинги йилларда ислоҳотлар айнан маҳаллалардан бошланаётгани боис ичимлик суви, йўллар қурилиши, электр ва газ таъминоти билан боғлиқ масалалар ижобий ҳал қилинаётгани ва бунда "Очиқ бюджет" платформаси муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Маҳалла "бешлиги" йўлга қўйилгани масалаларга ечим топишда муҳим омил бўлаётгани ҳам урғуланди.

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчисининг таъкидлашича, ҳудудда "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зонасида фармацевтика корхоналарининг ишга туширилиши ҳамда 3 та текстиль корхонасининг фаолият бошлаши аҳолининг бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга ечим бўлди.

Суҳбат чоғида қатор таклифлар ҳам илгари сурилди. Бугун туманда саноат ривожланмоқда, қишлоқ хўжалигида фермерлар сони ортяпти. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида кооперацияни янада кенгайтириш ҳамда "Очиқ бюджет" порталида таклифларни йўналишлар кесимида шакллантириш юзасидан қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди.

➡ 2

Нуқтаи назар

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

**сайёрамизда демократия, тараққиёт ва барқарорликни таъминлашга қаратилган**

*30 июнь — Халқаро парламентаризм куни дунёда кенг нишонланди. Ушбу халқаро сана Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2018 йилда таъсис этилган.*

Дунё парламентларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барқарор тараққиёт, тинчлик ва фаровонликни таъминлашдаги ролини эътироф этиш учун айнан шу кун танлангани бежиз эмас.

Чунки 1889 йил 30 июнда глобал парламент мулоқоти ва ҳамкорлигининг кашшофига айланган нуфузли ва "энг ёши улуғ" халқаро ташкилот — Парламентлараро Иттифоқ ташкил топган. Бугунги кунда Парламентлараро Иттифоққа 179 та давлатнинг миллий парламентлари ва 14 та парламентлараро минтақавий ташкилот аъзо ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ҳар бир мамлакатда давлат ҳокимиятининг муайян шакллардаги вакиллик органлари мавжуд. Парламентлар — жамиятнинг давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш имкониятини берувчи асосий вакиллик ҳокимияти органларидир. Улар қонун устуворлиги, тенглик, адолат ва инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Айни вақтда дунёнинг 27 мамлакатида миллий парламент куни ҳам нишонланади. Аммо парламентаризм миллий воқелик даражасидан чиқиб, трансчегаравий хусусият касб этганига анча вақт бўлди. Бинобарин, бундан беш йил илгари БМТ томонидан Халқаро парламентаризм кунини таъсис этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингани бугунги дунёда парламентларнинг роли тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Бу халқаро сана — сайёрамизда демократия, тараққиёт ва барқарорликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда парламентларнинг аҳамиятини таъкидлаш учун қулай имкониятдир.

➡ 2

Фракцияларда

## ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ – МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.*

### Ижара ва лизинг соҳасида мулкий ҳуқуқлар кафолати

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ижара ва лизинг муносабатларини тартибга солишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"-ги қонун лойиҳаси муҳокамалар марказида бўлди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси билан "Ижара тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига "кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага бериш шартномаси" тушунчаси киритилмоқда. Шунингдек, шартнома тузилган пайтдан эътиборан ижарага бериладиган мол-мулк ижарага олувчи фойдасига гаровга қўйилган деб ҳисобланиши ва ундирувни мазкур мол-мулкка қаратиш гаров нарсасига ундирувни қаратиш тартибида амалга оширилиши назарда тутиляпти.



Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари томонидан берилган таклифлар, фикр-мулоҳазалар эътиборга олингани, улар асосида қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилиб, маромига етказилганини алоҳида қайд этдилар.

Хусусан, фракция аъзолари Дониёр Ғаниев, Шуҳрат Шарофиддинов ва бошқалар қонун лойиҳаси юзасидан ўз таклифларини билдирди. Депутатларнинг фикрича, мазкур ҳужжат ижара ва лизинг муносабатларида қонунчилик бузилиши ҳолларининг олдини олиш, шунингдек, ушбу соҳада жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга хизмат қилади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг муҳимлиги ва айни чоғда зарурлигини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан маъқулланди.

➡ 2

2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Улуғбек Иноятовнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган мамлакат тараққиёти ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббусларига оид мақола чоп этиляпти.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Марказий сайлов комиссиясида

## ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАН 785 НАФАР КУЗАТУВЧИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛДИ

*Кеча Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар, Президент сайловида халқаро ташкилотлардан ва хорижий давлатлардан қатнашадиган кузатувчилар ҳамда ОАВ вакилларини аккредитация қилишга доир масалалар кўриб чиқилди.*

Мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш даврида Марказий сайлов комиссиясига мурожаатлар бўйича кўрилган чоралар комиссия аъзолари томонидан муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Қайд этиш жоизки, жисмоний ва юридик шахслардан тушган барча мурожаатларга Марказий сайлов комиссияси томонидан қонунчилик ҳужжатларига асосланган ҳолда ўз вақтида жавоб қайтарилмоқда ҳамда ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолдирилмаяпти.

Мажлисда Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан ЕХҲТ ДИИҲБ, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, МДҲ, Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси каби ташкилотлар ҳамда бир қатор хорижий давлатлардан жами 401 нафар кузатувчи аккредитациядан ўтказилди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижаларига кўра, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг 35 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди ва бу ҳақда қарор қабул қилинди.

Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлардан ва хорижий давлатлардан қатнашадиган кузатувчиларнинг умумий сони 785 нафарни, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг умумий сони 1 минг 292 нафарни ташкил этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

Мушоҳада

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

*Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон мустақиллигини ҳамда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашнинг гарови ҳисобланади. Сир эмас, бугун Ер юзида иқлим ўзгариши боис юз бераётган табиий офатлар, ерни суғориш учун сув танқислиги, қурғоқчилик каби ҳолатлар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни қийинлаштиряпти. Оқибатда дунё озиқ-овқат бозорларида нарх-наво кўтарилиши кузатилаётир. Албатта, бу ҳолат бизга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.*

Қолаверса, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бу муаммони кескинлаштирди. Жаҳоннинг 54 мамлакатида оилалар моддий аҳволи даражасининг пасайиши кузатилгани, 20 дан зиёд давлатлар аҳолисининг асосий қисми очликдан қийналаётгани, 12 та мамлакатда аҳолининг ўртача умр кўриши қисқаргани, сўнгги йилларда дунё аҳолисининг 840 миллиондан ортиғи, яъни деярли ҳар 8 одамнинг бири тўйиб овқатланмаётгани бунинг яққол далилидир. Шу боис дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жуда катта аҳамият бериб келинади.

Энг сўнгги тадқиқотлар сайёра аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўйиб овқатланмаслик оқибатида асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосидан азият чекаётганлигини, 52 мамлакатда очликнинг "жиддий", "хавотирли" ва "фавқулодда жиддий" даражалари қайд этилганлигини кўрсатмоқда.

Бунинг оқибатида дунёдаги 160 миллиондан ортиқ болаларда бўй ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланиш билан боғлиқ жиддий камчиликлар кузатилмоқда. Кейинги уч йилда бу кўрсаткич салбий томонга ўзгараётгани ачинарлидир. Шу ўринда очликдан азият чекаётган аҳолининг аксарияти, яъни 520 миллиондан ортиғи осиёликлар эканини айтиш жоиз. Одамлар тез кўпайиб бораётгани, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти чекланаётгани сабабли кўплаб мамлакатларда аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш асосий муаммога айланаётгани ҳам ҳақиқат.

➡ 2

# МАҲАЛЛАЛАРДАН БОШЛАНГАН ИСЛОҲОТЛАР МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

1

Навбатдаги мулоқот манзили туманнинг "Ойбек" МФЙ ҳудудида жойлашган 200 ўринли "Шабнам элигант" МЧЖ текстиль корхонаси бўлди. Ушбу корхона жорий йилда 3 млн. долларлик маҳсулотга шартнома тузган бўлиб, МДҲ давлатларига экспортни амалга ошириб келмоқда.

Сенат Раиси бу ерда ишчи-ходимларга яратилган шароитлар, уларга берилаётган ойлик маошлар билан қизиқди.

Корхона раҳбари суҳбат чоғида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати юқори бўлгани боис буюртма ҳажми кўплигини, яна ишчи кучи керак бўлаётгани, бунинг учун қўшни туманлар аҳолисини ҳам иш билан таъминлашга тайёрлигини билдирди. Айни чоғда хорижлик мутахассисларни жалб этган ҳолда янги лойиҳалар устида иш олиб борилаётгани маълум қилинди.

Паркент тумани ўзининг узумлари билан нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам ном қозонган.

"Янгиобод" МФЙда узумчиликни ривожлантириш ва қайта ишлаш бўйича фаолият олиб бораётган фермерлар билан суҳбат чоғида кластер тизими самарадор экани айтилди, қишлоқ хўжалигида ҳам тадбиркорликни кенгайтириш, соҳани ривожлантиришда халқаро алоқаларни йўлга қўйиб, жаҳон стандартларини жорий этиш масалалари диққат марказида бўлди.

Фермерларнинг сўзларига кўра, ҳудудда агрологистика марказлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ўтган йили 20 млн. долларга тенг маҳсулот экспорт қилинган. Манфаатдорлик юқорилиги боис фермерлар ҳаракати ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Учрашув чоғида боғбонлар соҳани ривожлантириш юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди. Хусусан, ўтган қиш фасли совуқ келгани боис бу йилги ҳосил деярли нобуд бўлгани, бу эса соҳада суғурта тизимини ривожлантиришни тақозо этаётгани айтилди. Шу билан бирга, Европа мамлакатлари тажрибаси асосида узумнинг янги, хўраки ҳамда экспортбоп навларини етиштиришни ўзлаштириш, халқаро сертификатларни олишда уларни қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам таклифлар илгари сурилди.

Т. Норбоеванинг Паркент туманига ташрифи дастуридан ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳолидан хабар олиш масалалари ҳам ўрин олди.

"Бозорбоши" МФЙда истиқомат қилувчи ва "аёллар дафтари"га киритилган ногиронлиги бўлган Аноргул она Жумабоева ҳолидан хабар олинди, унинг оилавий шароити билан танишилди. Онахон икки ўғил ва икки қизни вояга етказиб, жамиятга нафи тегадиган инсонлар қилиб тарбиялади. Бундан бир неча йил аввал юрак хасталиги туфайли қўл ва оёқлари қисман ишламай қолди. У туман ҳокимлиги ва маҳалла ёлғизлатиб қўймаганини, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб келаётганидан мамнунлигини изҳор қилди.

**«Халқ сўзи».**

# ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

## сайёрамизда демократия, тараққиёт ва барқарорликни таъминлашга қаратилган

1

Бу халқаро сана — Ер юзида парламентаризмни мустаҳкамлаш ва унинг ижтимоий адолат ва барқарор ривожланиш борасидаги самарадорлигини ошириш учун қатъий саъй-ҳаракатлар зарурлигига бутун инсоният эътиборини қаратиш учун жуда муҳим фурсат.

Жорий йилда Парламентлараро Иттифоқ ташкил этилганига 134 йил тўлди. Бу шунчаки сана эмас, балки демократия, қонун устуворлиги, тинчлик ва фаровонлик йўлида босиб ўтилган улкан бир даврнинг рақамлардаги мухтасар ифодасидир.

Парламентлараро Иттифоқни яратишга бел боғлар экан, унинг асосчилари Уилям Рэндал Кремер ва Фредерик Пасси давлатлараро мулоқот ҳамда ўзаро ҳамкорлик негизида тинч-тотув яшаётган дунёни тасаввур қилганлар. Энг муҳими, улар ўзаро мулоқотнинг куч-қудрати ва демократиянинг зарурлигига ишонганлар. Орадан 134 йил ўтиб, Парламентлараро Иттифоқ аъзолари мазкур ташкилот асосчилари ёққан эзгулик машъаласини баланд кўтариб, демократия, мулоқот ва тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда.

Ўтган давр Парламентлараро Иттифоқ давлатлар ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш, ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик учун қулай майдон яратиш ва бутун дунёда демократик бошқарувни ривожлантириш борасида тубдан янги қадам, муҳим кашфиёт бўлганини амалда намоён этиш палласи бўлди. Бугунги кунда Парламентлараро Иттифоқ тинчлик, демократия ва барқарор тараққиёт борасида дунё мамлакатларига кўмаклашишдек эзгу амални собитлик билан давом эттирмоқда.

Парламентлараро Иттифоқнинг "Демократия учун. Ҳамма учун" деган шиори замирида унинг демократик институтларни қўллаб-қувватлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш матлабига бўлган қатъий садоқати мужассамдир. Бу шиорнинг халқ онгу шуурига тез сингиши ва теран акс садо бериши бежиз эмас, чунки у барчамизни бирлаштириб тургувчи орзу-умидлар ва хайрли интилишларга ўзига хос чорловдир.

Демократия шунчаки бошқарув тизими эмас, бу эркинлик, тенглик ва адолатга содиқлик, дегани. Бу ирқи, дини, жинси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча фуқароларнинг овози эшитилади, хоҳиш-истакларига қулоқ солинади, деган ишонч ва ишончдир.

Парламентлараро Иттифоқ доирасидаги ҳамкорлик нафақат дунё мамлакатлари қонунлари асосларини ўзаро бойитишга хизмат қилади, балки биргаликда дунёни яхши томонга ўзгартиришга ҳам имкон беради.

Халқаро парламентаризм куни — демократия ва вакиллик ҳокимиятининг аҳамиятини таъкидлаш учун ғоят муҳим сана. Бу кунда ҳар биримиз ўзимиз яшаб турган жамият асос солган қадриятлар ва тамойилларни ҳурмат қилиш ва ҳимоя этишга хизмат қилаётган миллий парламент институтларини муттасил мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратамиз.

Халқаро парламентаризм куни — парламентларнинг демократия ва фуқаролар эркинликларини илгари суриш, тинчлик ва барқарор ривожланишни глобал даражада қўллаб-қувватлашдаги муҳим ролига ҳурмат бажо келтириш имкониятидир.

Жорий йилда ушбу халқаро сана "Парламентлар — сайёрамиз учун" шиори остида нишонланмоқда. Бинобарин, Парламентлараро Иттифоқ миллий парламентларга экологияни асраб-авайлаш, барқарор ривожланиш маданиятини жорий этиш, Париж битимини амалга ошириш ва иқлим ўзгаришларига қарши курашиш соҳаларида қонунлар қабул қилишни тавсия этади.

Бу йўлдаги дастлабки қадам сифатида Парламентлараро Иттифоқ миллий парламентларда экологияга эътибор кучайтирилишини кўзда тутадиган 10 та муҳим чора-тадбирни амалда қўллашни таклиф этмоқда. Бу чора-тадбирлар мажмуи уч тоифадан иборат бўлиб, парламентларни экологиялаштиришни ташкиллаштириш, парламентлар иш услубларини экологиялаштириш ва барқарор ўзгаришлар маданиятини ривожлантириш истиқболларини кўзда тутади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, БМТ Бош Ассамблеяси 2022 йил 14 декабрда Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилган резолюциясида Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳам миллий, ҳам глобал миқёсда амалга оширишда миллий парламентларнинг ролини эътироф этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Олий Мажлиси парламентлараро ҳамжамиятнинг Парламентлараро Иттифоқ, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси, МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси, Европа Парламенти, ТуркПА каби нуфузли органлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон парламенти Парламентлараро Иттифоқ қарорлари ва расмий ҳужжатларини



ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Шу асосда тинчлик, хавфсизлик, барқарор тараққиёт ва ҳамкорлик масалалари бўйича парламентлараро мулоқотни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Олий Мажлис палаталарининг Парламентлараро Иттифоқ фаолиятидаги иштироки, асосан, мазкур ташкилот Ассамблеяси доирасида, Ижроия қўмита ва доимий қўмиталарга аъзолик, биргаликда халқаро форум ва семинарлар ўтказиш, шунингдек, ташкилотнинг асосий ҳужжатларида белгиланган принцип ва механизмларни амалиётга татбиқ этиш орқали амалга оширилмоқда.

Парламентлараро Иттифоқ тавсияси асосида Олий Мажлис палаталари томонидан муайян ҳужжатларни тасдиқлаш амалиёти жорий этилгани парламентимиз аъзолари учун муҳим янгилик бўлди. Бу ўринда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузалар, инсон ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий механизмлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга таалluқли "йўл хариталари"ни тасдиқлаш ҳақида сўз бормоқда.

Парламентлараро Иттифоқ билан ўзаро ҳамкорликда кўплаб йирик форумлар ўтказилганини қайд этиш ўринлидир. Кенг жамоатчилик ва маънавият соҳаси арбоблари иштирокида, хусусан, Тошкентда парламент спикер аёлларининг 14-саммити, шунингдек, Бухорода "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда глобал парламентлараро ҳамкорлик", Самарқандда "Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлашда парламентнинг ўрни" мавзуларида халқаро анжуманлар ташкил этилди.

Парламентлараро Иттифоқ миллий парламентимизнинг иккита комиссияси фаолиятига юқори баҳо берди. Булардан бири — Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ижросини назорат қилиш бўйича комиссия бўлса, иккинчиси — Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя этилишини мониторинг қилиш бўйича комиссиядир.

Энг асосийси, Ўзбекистон демократик институтларни мустаҳкамлаш ва қарорлар қабул қилишда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга катта аҳамият бериб, парламентаризмни ривожлантириш борасида сезиларли ютуқларга эришди. Юртимиздаги парламентаризм тараққиёти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва мамлакатда барқарорликни қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция асосида давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи тармоғининг ваколатлари ва мажбуриятлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Ўзбекистон парламенти қонун ижодкорлиги билан бир қаторда, назорат-таҳлил фаолияти, хусусан, парламент эшитувлари, бюджет назорати, "ҳукумат соати", депутатлик сўровларини ташкил этиш, сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Халқ томонидан сайланган ҳокимият органлари — парламент ва маҳаллий Кенгашларнинг ўрни ва аҳамияти тубдан ўзгарди. Парламентлараро Иттифоқ тавсияларига мувофиқ Олий Мажлис, сиёсий партиялар ваколатлари кенгайтирилди, парламент ва жамоатчилик назорати институтлари мустаҳкамланмоқда. Бундан ташқари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари томонидан парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисобот ва ахборот тақдим қилиниши тартиби жорий этилди.

Шундай қилиб, Халқаро парламентаризм куни таъсис этилгани, шубҳасиз, дунё парламентлари сайёрамизда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутиб келаётганига халқаро ҳамжамият эътиборини қаратишда улкан аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ушбу халқаро сана парламентаризмнинг асосий демократик қадрият ва анъана мақомидаги ижобий имижини оширишга хизмат қилади.

**Акмал САИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари.**

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ



1

Ўзбекистонда сўнгги йилларда бу борада катта ишлар қилинди ва қатор ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар ортди. Муҳими, юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ҳолатини барқарор ривожлантириш, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётини яхшилаш, мамлакат мустақиллигини барқарор сақлашнинг асосий мезонларидан бирига айланди.

Бу йўналишда юртимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича стратегик жиҳатдан мақсадли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда йилига 20 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Сўнгги йилларда эса 800 минг тонна қишлоқ хўжалиги ҳосилини сақлаш сиғимига эга бўлдик. Бироқ бу эндиликда эҳтиёжимиз учун кам. Демак, бу мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни тизимли ўрганиш ва такомиллаштириш юзасидан назарий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш лозимлигини кўрсатади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини ҳал қилишда қатор қийинчиликлар борлигига қарамай, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш ва шу орқали озиқ-овқат таъминотини мустаҳкамлаш борасида салмоқли натижалар қўлга киритилаётганини ҳам айтиш зарур.

Хусусан, 2023 йилда белгиланган кўрсаткичларга эришиш мақсадида 4 млн. гектар асосий, боғ-ток қатор оралари, лалми ва такрорий майдонларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш белгиланган. Ушбу майдонлардан 8,1 млн. тонна бошоқли дон, 528 минг тонна шоли, 579 минг тонна дуккакли, 345 минг тонна мойли, 12,2 млн. тонна сабзавот, 2,5 млн. тонна полиз, 4,1 млн. тонна картошка, 3,1 млн. тонна мева ва 2 млн. тонна узум етиштирилиши кутилмоқда.

Шунингдек, ҳудудларда дала четларига 71 мингта фермер хўжалиги томонидан жами 59 минг гектар тут, ток, терак, мевали кўчатлар ҳамда 24 минг гектар полиз, сабзавот ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ишлари якунланди.

Чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича йил якунига қадар тизимли ишлар натижасида қорамоллар сонини 14,4 млн. бошга, қўй-эчкиларни 24,3 млн. бошга етказиб, 2,9 млн. тонна гўшт, 12,2 млн. тонна сут, 9 млрд. дона тухум, 650 минг тонна балиқ ва 31 минг тонна асал етиштириш мўлжалланмоқда.

Республикада озиқ-овқат саноатида 22 мингдан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 2023 йилда жами 75,5 трлн. сўмлик озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Шуларга мос равишда жорий йилнинг январь — май ойларида қиймати 10 млрд. сўм, қуввати 1,5 минг тонна бўлган битта замонавий агрологистика маркази фойдаланишга топширилди. Айни чоғда қиймати 23,9 млрд. сўм, қуввати 14,5 минг тонна бўлган 22 та совиткичли омборхона иш бошлади. Натижада агрологистика марказлари 67 тага, қувватлари 901 минг тоннага, шунингдек, совиткичли омборхоналар 1820 тага ва қувватлари 1 млн. 196 минг тоннага етказилди. Муҳими, бу борада ишлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш баробарида, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш орқали хорижий давлатлар озиқ-овқат таъминотига салмоқли ҳисса қўшиб келаётгани халқаро ҳамжамият томонидан мунтазам эътироф этилаётир. Жумладан, БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида "Минг йиллик ривожланиш мақсадлари"га эришгани учун махсус мукофотига сазовор бўлган дунёдаги 14 та давлат орасида Ўзбекистон ҳам борлиги эътиборга молик.

Халқаро озиқ-овқат сиёсати илмий-тадқиқот институти ҳисоботларида ҳам Ўзбекистонда кейинги йилларда бу борада эътирофга сазовор ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Кўриниб турибдики, бу йўналишда мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича стратегик жиҳатдан мақсадли ҳамда изчил чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Айни чоғда муайян муаммолар сақланиб қолаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Хўш, ушбу муаммоларни қандай ҳал этиш мумкин?

Бунинг учун қуйидаги тадбирларни бажариш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- ҳудудларда белгиланган мақсадли мезонлар бажарилишини таъминловчи агросаноат мажмуасини барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни тартибга солиш ва бошқариш тизимини жорий қилиш;
- озиқ-овқат хавфсизлигини аниқлаш, баҳолаш ва кутилиши мумкин бўлган хавфни олдиндан билиш тизимини йўлга қўйиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга йўналтирилган корхоналар тармоғини кенгайтириш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга ихтисослаштирилган совитиш камералари, уларни саралаш ва қадоқлаш пунктлари ҳамда ташиш билан шуғулланувчи махсус транспорт-коммуникация тармоғини ривожлантириш;
- қайта ишлаш саноатининг материал ва энергия сиғимини пасайтириш, ресурс тежовчи технологияларга устуворлик бериш;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хомашёни ички ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш;
- чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш;



- қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш;
- аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши учун уларнинг иқтисодий имкониятларини ошириш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар, кластер ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш;
- қишлоқ жойларда мева-сабзавот ва узумни қайта ишловчи корхоналар учун зарур бўлган инфратузилмалар, биринчи навбатда, йўллар, газ, электр, сув таъминоти ва бошқа инженерлик-коммуникация тармоқлари билан узлуксиз таъминлашни йўлга қўйиш ва бошқалар.

Ўйлаймизки, ушбу вазифалар муваффақиятли бажарилгач, натижалар янада салмоқли бўлади. Муҳими, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлиги кафолатланади.

**Рисқул СИДДИҚОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ – МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

1

### Вояга етмаганларга нисбатан жавобгарлик либераллаштирилмоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари дастлаб "Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига 18 ёшга тўлгунига қадар содир этган ўта оғир бўлмаган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган деб ҳисобланиши ва вояга етмаганларга нисбатан озодликни чеклашнинг ҳамда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам муддати олти ойдан бир ойга қисқартирилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиляпти.

Фракция аъзолари ушбу ўзгартишлар вояга етмаганлар жиноий жавобгарлигини янада либераллаштириб, шахснинг вояга етгунга қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлганидан бошлаб "судланган" деган тамғадан халос бўлишига ва келгуси ҳаётини янгитдан бошлашига имкон беришидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

### Ҳаётни судланганлик тамғасидан холи тарзда бошлаш имконияти

"Адолат" СДП фракцияси йиғилишида "Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"-ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган ўта оғир бўлмаган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган деб ҳисобланишини ва вояга етмаганларга нисбатан озодликни чеклашнинг ҳамда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам муддати олти ойдан бир ойга қисқартирилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Муҳокама чоғида фракция аъзолари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган таклифлар эътиборга олингани, лойиҳа ҳар томонлама пишиқ-пухта ҳолатга келтирилганлигини алоҳида қайд этдилар. Ҳужжат лойиҳасида ўз ифодасини топаётган нормалар партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга уйғун ва ҳамоҳангдир.

Депутатларнинг таъкидлашича, ушбу ҳужжат вояга етмаганлар жиноий жавобгарлигининг янада либераллаштирилишига хизмат қилади ва ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахсга ўз ҳаётини судланганлик тамғасидан холи тарзда янгидан бошлашига имкон яратади.

Мажлисда қонун лойиҳасидаги айрим нормалар юзасидан асосли саволлар ўртага ташланди. Мутасаддилар берилган саволларга атрофлича жавоб қайтарди. Узоқ тортишувлардан сўнг қонун лойиҳаси маъқулланди.

### Ноаниқликлар қандай бартараф этилади?

Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси фракцияларининг қўшма йиғилишида бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Дастлаб депутатлар "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, соҳада туб ислоҳотларни амалга оширишда кенг имконият яратди.

Ўзбекистон Экологик партиясининг дастурида ҳам мамлакат аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, мавжуд сув чиқариш иншоотларини модернизация қилиш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларини ривожлантириш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш борасида алоҳида мақсад ва вазифалар белгилаб олинган.

Депутатлар ташаббусига кўра ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси билан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар кўрсатишга алоқадор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қўлланилган асосий тушунча ва атамаларни ягона шаклга мослаштириш назарда тутиляпти.

Мажлисда фракция аъзолари қонун лойиҳаси бугунги кун талабларига тўла мос келишини инобатга олиб, уни иккинчи ўқишда қўллаб-қувватладилар.

Шундан сўнг "Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда фракция аъзолари қонун лойиҳаси қабул қилинишининг зарурати ва аҳамиятидан келиб чиқиб, уни маъқуллади.

*Фракциялар йиғилишларида кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

Қардошлик ришталари

# Туркиянинг Хатай провинцияси аҳолисига Ўзбекистон фуқаролари маблағлари ҳисобидан сотиб олинган модулли уйлар топширилди

*Туркиянинг Хатай провинциясида Ўзбекистон фуқаролари, жумладан, ушбу мамлакатда меҳнат қилаётган фуқароларимиз ҳисобидан сотиб олинган ва жиҳозланган 57 та модулли уйни провинция аҳолисига топшириш маросими бўлиб ўтди.*



Тадбирда Антакья провинцияси ҳокими Иззеттин Йилмаз, сиёсий партияларнинг провинция филиаллари раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, шунингдек, мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонаси ва Бош консуллиги ходимлари иштирок этди.

Тадбир давомида ўзбекистонлик дипломатлар жорий йил 6 февраль куни "аср фалокатини" бошидан кечирган қардош турк халқига яна бир бор чуқур ҳамдардлик билдирдилар. Фожианинг биринчи кунидан бошлаб ўзбек халқи турк биродарларига ёрдам қўлини чўзишгани, Қурбон ҳайити арафасида мустаҳкам уй-жой қуришдан олдин ушбу масаланинг энг яхши ечими бўлган контейнерларни топшириш бизнинг ўзаро қон-қариндошлик ришталарини яна бир карра тасдиқлагани таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хатай провинциясини тиклаш, жумладан, яқин дўстлигимиз ва ҳамжиҳатлигимизнинг яна бир ёрқин тимсолига айланадиган янги уй-жойлар ҳамда бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш борасидаги ташаббусларига алоҳида эътибор қаратилди.

Антакья провинцияси ҳокими Иззеттин Йилмаз турк халқи фожианинг дастлабки соатлариданоқ Ўзбекистон томонидан кўрсатилган ёрдамни ҳеч қачон унутмаслигини таъкидлади. У ўзбекистонлик қутқарувчилар ва ҳарбий шифокорлар ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, энг оғир шароитларда меҳнат қилиб, жасорат, матонат ва профессионаллик кўрсатиб, бедарак йўқолган ҳамда жароҳатланганларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатганини қайд этди.

Тадбир давомида Ўзбекистон дипломатлари Овакент туманида яшаётган этник ўзбекларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар. Шунингдек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, конституциявий референдум натижалари, муддатидан илгари Президент сайлови жараёнлари ҳақида сўзлаб берилди.

Хатай провинциясида бўлиб ўтган ушбу тадбир маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди ва ижтимоий тармоқларда кўплаб ижобий фикрлар билдирилди.

**«Дунё» АА.**
Туркия

# ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИК ВА ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИГА АСОСЛАНГАН ДЕМОКРАТИК БОШҚАРУВ

## Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Сайловолди дастуридаги асосий ғоялардан ҳисобланади

*Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига саноқли кунлар қолмоқда. Ҳозирда Президентликка номзодлар Сайловолди дастуридаги мақсад ҳамда вазифаларига асосланиб, жамиятимиз тараққиёти ва келажаги билан боғлиқ масалалар бўйича сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.*




### Халқ ҳокимиятчилиги — демократик ижтимоий давлатни барпо этишнинг муҳим шарти

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Улуғбек Иноятовнинг Сайловолди дастурининг **VII йўналиши “Ижтимоий тенгликка ва халқ ҳокимиятчилигига асосланган демократик бошқарув”** деб номлангани ҳам бежиз эмас. Унда белгиланган мақсад ва вазифалар айнан жамиятимизда долзарб масалаларга бағишланганлиги билан ажралиб турибди.

Дастурда **“Биз мамлакатда ижтимоий тенгликка асосланган халқ ҳокимиятчилиги принципини мустаҳкамлаш орқали демократик ижтимоий давлатни барпо этиш тарафдоримиз”** деган фикр илгари сурилади.

Хўш, халқ ҳокимиятчилиги деганда нима тушунилади? У қандай хусусиятларга эга? Аввало, халқ ҳокимиятчилиги — фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги бевосита ва билвосита иштироки, демакдир. Уюшқоқлик, бир-бирининг фикрини эшитиш, ўзаро ҳурмат ва бирдамликда ҳаракат қилиш халқ ҳокимиятчилигининг муҳим жиҳатидир.

Таъкидлаш лозимки, халқ ҳокимиятчилиги — демократиянинг мазмуни ҳамда ажралмас шарти. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II боби ҳам айнан “Халқ ҳокимиятчилиги” деб номланиб, уни рўёбга чиқариш бўйича муҳим қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 7-моддасида **“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади”**, деган қоида белгиланган.

ЎзХДПдан номзоднинг Сайловолди дастурида таъкидланганидек, барча инсонларнинг ёши, жинси, жисмоний имконияти, миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур.

Албатта, халқ ҳокимиятчилиги принципи фуқароларнинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқида ҳам намоён бўлади.

Асосий Қонунимизга мувофиқ, бу ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ҳамда давлат органларини демократик тарзда ташкил қилиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Халқ ҳокимиятчилиги принципи билан бевосита боғлиқ устувор қоидалар мавжуд бўлиб, улар давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ҳамда мувозанатни сақлаш, ижтимоий-сиёсий хилма-хилликни таъминлаш, муҳими, инсон манфаатларининг давлат манфаатларидан устуворлигини кафолатлашга хизмат қилади.

Халқ ҳокимиятчилиги — бу жамиятда қонун устуворлиги ва ҳуқуқий маданият нечоғли юксак даражада эканини кўрсатувчи ўзига хос индикатор ҳам дейиш мумкин. Агар кишилар ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишга интилмасалар, энг олийжаноб ва мукаммал қонунлар ҳам уларни демократик муҳитда яшашга ўргата олмайди.

Шу нуқтаи назардан, биз мамлакатда ижтимоий тенгликка асосланган халқ ҳокимиятчилиги принципини мустаҳкамлаш орқали демократик ижтимоий давлатни барпо этиш тарафдоримиз. Бу аҳолининг барча, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг **давлат, жамият ҳаёти, суд-ҳуқуқ тизимида тенглик асосида иштирок этишини** кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади.

### Фуқаролик жамияти — инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кафолати

Дастурда **“Фуқаролик жамияти институтлари мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Биз мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш тарафдоримиз”**, деган фикрлар илгари сурилади.

Миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга қаратилган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш масаласи мамлакатимизда олиб борилаётган фаол демократик янгиланиш ва модернизациялаш жараёнларининг ажралмас қисми бўлиши лозим.

Фуқаролик жамиятида:

- нодавлат, жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат тизимини мустаҳкамлашга, сайловчиларнинг, ўз аъзоларининг ва давлатнинг манфаатларини уйғунлаштириб, ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши;
- марказлашган бошқарув билан халқ ҳокимиятчилигининг бошқа субъектлари ўртасида ижтимоий муроса, аҳиллик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш таъминланиши;
- инсон манфаатлари давлат манфаатларидан устун туриши, давлат органлари инсонларга хизмат қилиши;
- маъмурий бошқарувдан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувига ўтиш муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан, номзодимиз Сайловолди дастурида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини янада кенгайтиришни ҳам таклиф этмоқда.

Фуқаролик жамияти давлат томонидан тўғридан-тўғри бошқарилмайдиган фуқаролар, жамоат ташкилотлари ва кўнгиллилар уюшмаларининг ўзаро самарали ижтимоий алоқалари тизимидан ташкил топгани сабабли бу институт ўзига хос қонуниятлар — тенглик, бирдамлик, очиқлик, ўзаро ҳурмат, ишонч асосида ривожланади.

Ҳуқуқий давлатни фуқаролик жамияти ривожланишининг натижаси, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳуқуқий давлатчиликнинг шаклланиш жараёни, ҳеч шубҳасиз, аста-секинлик билан, босқичма-босқич давом этиб, фуқаролик жамияти шаклланиши билан бирга уйғунлашиб боради.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳаларда юз бераётган ўзгаришларга уйғун равишда фуқаролик жамияти институтлари тобора ривожланиб бормоғи лозим. Бу, бир томондан, фуқароларнинг сиёсий тафаккури юксалаётгани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий маконнинг кенгайиб бориши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Улуғбек Иноятов ўз Сайловолди дастурида **фуқаролик жамияти ва нодавлат институтлар** фаолиятига алоҳида эътибор қаратаётгани шу омилларга мувофиқдир. Номзод таъкидлаётганидек, фуқаролик жамияти институтлари мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.

Дастурда назарда тутилган масалалардан яна бири — давлат функцияларини **босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига бериб бориш** орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий шериклик асосида хизмат кўрсатишга ўтишдир.

Босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига давлат функцияларини бериб бориш замирида ижтимоий масалаларни янада самарали ҳал этиш, бу жараёнда нодавлат институтлар фаоллиги ва таъсир кучини ошириш ғояси мужассамдир. Бу, биринчи навбатда, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий хабардорлиги ва маданияти юксалиб боришига қулай шароит яратади. Айниқса, одатда унча фаол ҳисобланмайдиган, жамиятдаги воқеа-ҳодисалар бўйича ўз фикри, таклифларини ҳар доим ҳам билдиравермайдиган эҳтиёжманд қатлам учун бундай шароит муҳим ҳисобланади.

Аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ўртасида мулоқот муҳити ривожланиб бориши натижасида давлат функцияларининг босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига ўтиши жараёни табиий равишда кенгаяди. Бу айни пайтда фуқароларнинг нафақат сиёсий-ҳуқуқий, шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ошишига муҳим асос бўлади. Ижтимоий боқимандалик кайфияти ўрнига, муаммоли ҳолатларда фуқароларда ижтимоий бирдамлик ҳисси билан ҳаракат қилиш, энг мувофиқ ва тезкор ечимлар топишга интилишни кучайтиради.

Халқ демократик партияси электорати манфаатлари нуқтаи назаридан асосий устуворлик шундаки, турли йўналишдаги маслаҳат ёрдамлари, ҳунар ўрганиш, касб танлаш, қайта малака олиш билан боғлиқ масалалар фуқаролик жамияти институтлари орқали тезроқ ва самаралироқ ҳал этилади. Шу нуқтаи назардан ҳам давлатнинг айрим функцияларини босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига бериб бориш ғояси муҳимдир.

Бу ўринда ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳам алоҳида эътиборга молик. Фуқаролик жамияти тузилмалари юқоридан туриб эмас, балки фуқароларнинг ташаббуси билан, ихтиёрий асосда, табиийки, муассисларнинг манфаатлари, қизиқишлари ва мойилликларига мувофиқ тузилади. Уларнинг эркинлиги ўзини ўзи бошқариш фаолиятида намоён бўлади ва айнан шу йўл билан улар жамият тараққиётига ҳисса қўшади.

Сайловолди дастурда илгари сурилган яна бир муҳим масала — фуқаролик жамияти институтларини **маҳаллий миқёсда** қўллаб-қувватлаш, туманлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кенгайтириш. Ушбу ташаббус жойларда фуқаролик жамияти институтларининг янада фаол ишлаши, фуқароларни ўйлантираётган, қизиқтираётган ижтимоий масалаларни фуқароларнинг таклифлари ва бевосита иштирокида ҳал этиш учун муҳим рағбат бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий қизиқишлар ва манфаатлар уйғунлиги фуқароларни бир-бирига тез яқинлаштиради. Бунинг учун, биринчи навбатда, улар ўртасида юзма-юз ва бевосита мулоқот шаклланиши ва ривожланиши муҳим. Бундай мулоқот муҳити, маълумки, дастлаб маҳаллалар, туман, шаҳарлар миқёсида юзага келади.

Ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига кўра ҳар бир ҳудуд ўзига хосдир. Мана шу ўзига хослик фуқароларни тез бирлаштиради, ижтимоий масалаларни биргаликда ҳал қилиш кўникмасини ривожлантиради. Шунинг учун фуқаролик жамияти институтлари маҳаллий миқёсда ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳим ҳисобланади.

Сўз фуқаролик жамияти ҳақида борар экан, табиийки, бу жабҳада етакчи бўлган давлатлар тажрибасига тўхталиб ўтиш лозим. Масалан, **АҚШда** фуқаролик жамиятининг дастлабки институтлари турли уюшмалар, мактаблар ва туржойлар бўйича хавфсизлик ва тартибни таъминловчи ижтимоий гуруҳлар сифатида фаолият олиб борган. Ғарбий Европада эса бундан фарқли равишда фуқаролик жамияти институтлари иқтисодий соҳада ўз-ўзини намоён қилиб, бу янги ва эски типдаги, олдинги уюшмалар ва корпоратив бирлашмалар асосида ташкил топган мустақил бозор ташкилотлари сифатида фаолият юритган.

**Германияда** фуқаролик жамияти институтларининг ўзига хос фаолияти ҳунарманд ва савдогарларнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва шаҳарларни бошқаришга маълум даражада таъсир ўтказишнинг дастлабки шакли сифатида қарор топган.

Ҳозирги даврда ривожланган Ғарб давлатларида фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари демократик сиёсий фаолликни назарда тутган ҳолда давлат устидан назоратни амалга оширади. Бунда сиёсий партиялар таъсири ва ўзини ўзи бошқариш институтлари фаоллиги тобора ортиб бораверади. Яъни шахс эркинлиги олий қадрият сифатида баҳоланади. АҚШ, Буюк Британия ва Австралияда мазкур тамойил сабаб давлатнинг фуқаролик жамияти ҳаётига аралашуви чекланган.

Умуман олганда, ривожланган давлатларда фаолият олиб бораётган демократик институтлар замонавий фуқаролик жамияти моделини яратиш, унинг давлат бошқарувидаги самарали иштирокини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шу маънода, номзоднинг Сайловолди дастурида жамият ва давлат бошқарувида фуқаролик институтларининг ўрни ҳамда аҳамиятини мустаҳкамлаш, жамоатчилик тузилмалари ва давлат органларининг ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш назарда тутилмоқда. Бунда давлатнинг нодавлат институтлар билан ҳамкорлиги очиқлик ва шаффофлик тамойилларига асосланишига катта урғу берилмоқда.

### Сиёсий партиялар — демократик тараққиётнинг зарурий шарти

ЎзХДПдан номзоднинг Сайловолди дастурида фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида **сиёсий партиялар ва улар бирлашмаларининг** ваколатларини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, ижро ҳокимияти томонидан ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги **сиёсий партиялар фракциялари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар** ўтказиш механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклиф муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Зеро, ижро этувчи ҳокимиятнинг аҳолининг манфаатларига тааллуқли, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича халқ вакиллари билан маслаҳатлашуви бундай долзарб масалалар юзасидан ҳар томонлама пухта ўйланган, барча тарафларнинг манфаатларига мос келувчи қарорлар қабул қилиш имконини беради ҳамда халқ ҳокимиятчилиги принципига тўлақонли мос келади.

Бунинг натижасида аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларига мос ижтимоий жиҳатдан самарали қарорлар қабул қилиниши бўйича ҳуқуқий асослар мустаҳкамланади. Сиёсий партиялар, уларнинг депутатлик бирлашмалари дастурий ғояларидан келиб чиқиб, ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга интилади.

Фикрлар, қарашлар, позициялар хилма-хиллиги ижро ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу халқ ҳокимиятчилиги тамойили мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

### Маҳалла — ноёб демократик институт

Миллий қадриятларга асосланган маҳалла халқимизнинг турмуш тарзини ифода этувчи, руҳий-маънавий эҳтиёжи, мафкураси, тафаккури, инсонларнинг ўзаро қўшничилик алоқалари, оилавий муносабатларни шакллантирувчи маънавий-маърифий маскан, серқирра ижтимоий тузилма ҳисобланади.

Маҳалла ўзининг таъсир кўрсатиш усуллари орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, фуқаролик жамиятининг муҳим элементи сифатида катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда **мамлакатимизда 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллалар фуқароларимизнинг ижтимоий муносабатлардаги иштирокининг барча жабҳаларини** қамраб олган.

Хусусан, фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга кўмаклашиш (бағрикенглик, меҳр-оқибат, ҳашар, ўзаро ёрдам, мурувват, ҳамжиҳатлик каби миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва кейинги авлодларга етказиш, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш) шулар жумласидандир.

Шу боис номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланган аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг энг самарали ва адолатли шакли сифатида **маҳалла тизимини ривожлантириш**, маъмурий, ижтимоий, экологик, маданий ва бошқа муаммоларни ҳал этишда унинг иштирокини янада кенгайтириш борасида илгари сурилган ғоялар алоҳида диққатга молик.

Ушбу ташаббус маҳалланинг ноёб демократик институт сифатида давлат ва жамият ҳаётидаги мақомини янада мустаҳкамлашга ва шу орқали фуқароларнинг муаммоларини маҳалланинг ўзида, ортиқча оворагарчиликларсиз ҳал этиш учун шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Маҳалла институти ҳаётимизнинг барча жабҳалари билан узвий боғланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фуқаролар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, уларни касбга йўналтириш, турли масалаларда малакасини оширишни ташкиллаштиришда долзарб ижтимоий функцияни бажаради.

Чунки маҳалла нафақат фуқаролар, балки оилалар, турли соҳа вакиллари ўртасида ижтимоий мулоқот муҳитини мустаҳкамлаш имкониятларига ҳам эга. Ким вақтинча ишсиз, нега ишсиз, унинг меҳнат фаолиятига қизиқиши, эҳтиёжларини қаноатлантириш учун қандай чоралар кўриш мумкинлиги маҳалла доирасида тезроқ ҳал этилиши мумкин.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маҳалла институти давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш, шу орқали турли ижтимоий дастурлар сифатли бажарилишига ижобий таъсир кўрсатишда беқиёс имкониятларга эга ҳисобланади. Битта ҳудуд миқёсидаги ҳар бир маҳаллада жамоатчилик назорати фаол йўлга қўйилганда, маҳаллий ижро ҳокимияти фаолиятида масъулият ва ҳисобдорлик ортади.

Кўриниб турибдики, номзодимиз Сайловолди дастуридаги муҳим ғояларнинг амалга ошиши, электорат манфаатлари самарали ҳимоя қилинишида маҳалла институтининг аҳамияти беқиёсдир.

### Ёшлар — фуқаролик жамиятининг таянчи

Мамлакатимизда илғор, демократик меъёрларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий муносабатларга кенг ва фаол татбиқ этишда ёшлар муҳим ўрин тутади.

Шунинг учун Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод дастурида халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлашда ёшлар масаласига ҳам эътибор қаратилган.

Хусусан, дастурда **салоҳиятли ёшлар сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тизимида фаол ишлашини рағбатлантириш муҳимлиги** таъкидланади.

Дарҳақиқат, дунёвий тараққиётдан маълумки, ёшлар барча даврда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилган. Шу жиҳатдан бу қатламни доимий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш муҳим ҳисобланади.

Навқирон авлод вакилларининг манфаатини бошқа кўпчилик қатламлар вакилларининг манфаатига қарши қўймасдан, умуммиллий манфаат билан уйғунлаштириш ёшлар сиёсатининг ўзаги ҳисобланади. Қайд этиш жоизки, ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ва уларнинг муаммоларини ўрганиш мамлакат истиқболини янада юксалтиришга замин яратади.

Жамиятни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида ёшларда ўз билимларини мустақил бойитиш, профессионализм ва замонавий кўникмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ёшларнинг маънавий-маърифий эҳтиёжларини ўрганиш ва уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, ғайрат-шижоатидан мамлакатимизнинг умумманфаати йўлида фойдаланиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бугун ҳар қачонгидан долзарбдир.

Бир сўз билан айтганда, ёшлар — эл-юрт эртасини белгилаб берувчи куч. Халқ ҳокимиятчилигига асосланган бошқарувни қарор топтириш, фуқаролик институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий тенглик ҳамда ижтимоий барқарорлик асоси бўлган демократик қадриятлар устуворлиги кўп жиҳатдан аҳолининг катта қисмини ташкил этувчи ёшларимизга боғлиқ.

Умуман, Халқ демократик партияси сиёсий платформасига мувофиқ шакллантирилган номзод Сайловолди дастуридаги асосий таклиф ва ташаббусларнинг самарали амалга ошиши мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Номзод дастурининг асосий ғояларидан бўлган ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, барча инсонларнинг давлат бошқарувида эркин, фаол иштирок этишини кафолатлаш фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолият юритишига чамбарчас боғлиқдир.

*Алоҳида таъкидлаш жоизки, номзод дастурида барча йўналишларда илгари сурилган таклиф-ташаббуслар бир-бирини тўлдиради ва албатта, ижтимоий давлатчилик концепциясига ҳар томонлама мувофиқ келади.*

*Шу боис сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятовни қўллаб-қувватлашга чақирамиз!*

*Ҳеч биримиз бефарқ бўлмаслигимиз, конституциявий ҳуқуқларимиздан фойдаланган ҳолда, қатъий фуқаролик позициямизни кўрсатишимиз, давлатимиз равнақи, юртимиз келажаги учун Президент сайловида фаол иштирок этишимиз зарур.*

**Шерали МАМАДЕСОЕВ,**
**Бахтиёр ТАШЕВ,**
**Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзоднинг ишончли вакиллари.**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

# ҲИНДИСТОННИНГ ШҲТ ДОИРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН ҲАМОҲАНГДИР

1

Шуниси эътиборга лойиқки, Самарқанддан туриб қаралганда, дунё тарқоқ эмас, балки яхлит ва бўлинмас бўлиб кўринади. “Самарқанд руҳи” деган ноёб феноменнинг мазмуни ҳам асли шунда мужассам бўлиб, у халқаро ҳамкорликнинг, жумладан, ШҲТ доирасидаги шерикликнинг принципиал жиҳатдан янги форматини шакллантириш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин, деб қайд этилган мақолада.

Оммабоп “WION” телеканали веб-сайтида эълон қилинган мақолада ҳам Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ 22-саммитида катта миқдордаги қарор ва келишувлар маъқулланганлиги урғуланган. “Мазкур ҳужжатлар ШҲТга аъзо давлатларнинг узоқ муддатли яхши қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома қоидаларини 2023 — 2027 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс ҳаракатлар режаси, ўзаро боғлиқликни ривожлантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш ва бошқа долзарб масалаларга тааллуқлидир”, дейилади материалда.

“United News of India” ахборот агентлиги чоп этилган мақолада Ўзбекистоннинг ўтган йилги раислиги даврида турли даражаларда 80 дан ортиқ йирик халқаро тадбирлар муваффақиятли уюштирилгани, бу эса мамлакатнинг ШҲТ мақсадларига содиқлигини кўрсатгани ва аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилгани қайд этилган.

“Vivekananda International Foundation” таҳлилий маркази етакчи илмий ходими Правеш Кумар Гупта “Political events” таҳлилий журналида чоп этган мақоласида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ШҲТ доирасида савдо-сотиқ, сармоявий, мудофаа ва маданий алмашинув соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларидан фаол фойдаланмоқда, деб ёзган.

Олий ва юқори даражалардаги мунтазам учрашувлар ва мулоқотлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик тараққиётига хизмат қилмоқда. ШҲТ Ҳиндистон ва Ўзбекистон учун ўзаро муносабатларни фаоллаштириш, минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун энг муҳим майдон ҳисобланади, деб урғу берилган материалда.

“Ўзбекистон Марказий Осиёда аҳоли сони бўйича энг йирик давлат ва иккинчи йирик иқтисодиёт бўлиб, ШҲТ, бошқа минтақавий ва халқаро ташкилотларда фаол роль ўйнайди, — деб қайд этган ушбу ҳинд эксперти “The Times of India” газетасидаги бошқа мақоласида. — Мамлакатнинг ШҲТга раислиги даврида асосий эътибор савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, саноат кооперациясини ривожлантириш, транспорт-коммуникация алоқаларининг ўзаро боғлиқлигини кенгайтириш, рақамли трансформация ва “яшил” иқтисодиётга қаратилди”.

Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги даврида самарали транспорт йўлакларини яратиш ва ўзаро боғлаш, ШҲТга аъзо давлатлар инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари, “Эзгу ният элчилари” институтини ташкил этиш каби ташаббуслар илгари сурилди, Самарқанд саммитида рекорд миқдорда — 44 та ҳужжат қабул қилинди, деб ёзган муаллиф.

Деҳли шаҳридаги Жавоҳарлал Неру университети доценти Рашмини Копаркар “India Blooms” ахборот агентлиги учун ёзган таҳлилий мақоласида Ўзбекистон ўз вақтида Ҳиндистоннинг ШҲТга аъзо бўлиш жараёнини фаол қўллаб-қувватлаганини эслаб ўтган.

“2016 йил июнь ойида ушбу мамлакат раислигида бўлиб ўтган Тошкент саммитида Ҳиндистоннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш учун мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоланган”, деб ёзади эксперт.

Ҳинд олими Ҳиндистоннинг ШҲТдаги амалдаги раислиги муваффақиятли бўлишида ҳамфикр давлатларнинг роли муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этар экан, Ўзбекистон билан ўзаро алоқалар тафсилотларига тўхталиб ўтган.

“Сўнгги йилларда Ўзбекистон турли соҳаларда изчил тараққиётга эришди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тараққиёт стратегиясига мувофиқ бошқарув, ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт ва ташқи сиёсат соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, — деб қайд этган эксперт. — Унинг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни тубдан яхшилаш бўйича саъй-ҳаракатлари минтақавий ҳамкорликнинг кучайишини таъминлади. Ўзбекистоннинг ШҲТга ўтган йилги раислиги доирасида ўзаро боғлиқлик ва хавфсизлик масалалари муҳим роль ўйнади”.

Рашмини Копаркар Ҳиндистон ташаббуслари Ўзбекистон ташаббуслари билан ҳамоҳангдир деб ҳисоблайди: “Бундай синергия давлат етакчиларининг оддий инсонларга нисбатан ёндашуви ва уларнинг дунёқараши муштараклигини ифодалайди. Мамлакатларимиз савдо, қишлоқ хўжалиги, иқлим ўзгариши, табиий офатларнинг олдини олиш, соғлиқни сақлаш, таълим, туризм ва маданият каби соҳаларда дастурлар жорий қилган. Икки давлат ҳам ўз раислиги доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириб, минтақа озиқ-овқат хавфсизлиги ва иқлимга чидамли қишлоқ хўжалиги амалиётига эътибор қаратилгани Нарендра Модининг тариқ маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга бўлган интилишида ўз ифодасини топган, шунингдек, бу бир вақтнинг ўзида барқарор қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларини рағбатлантиради”.

“The Asian Age” газетаси, “International Affairs Review” журнали, “Just Earth News”, “TWF India” ахборот порталлари ва бошқа манбаларда ҳам Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари кенг ёритилган.

“Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида ШҲТ доирасидаги муносабатлар иқтисодий ҳамкорлик, бутун минтақанинг ўзаро боғлиқлиги, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ва маданий алмашинувни ривожлантириш учун муҳим ва катта салоҳиятга эга. Иккала давлат ҳам ШҲТнинг ҳамкорлик платформаси сифатидаги самарадорлигини юқори баҳолайди ва унинг минтақавий тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга кўмаклашиш мақсадларини фаол қўллаб-қувватлайди”, деб таъкидланади Ҳиндистон оммавий ахборот воситаларида.

**«Дунё» АА.**
Деҳли

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК МАДАНИЙ МЕРОСИ НАМОЙИШИ

**Кеча пойтахтимизда 7 июлгача давом этадиган «Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат» мавзуида халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги доирасида «Ўзбекистон маданий мероси — Янги Ренессанс асоси» маданий тадбирлари бошланди.**

YANGI O'ZBEKISTON
HAMKORLIK HAFTALIGI

Нуфузли анжуманда дунёнинг барча қитъаларидан — 60 дан зиёд мамлакатлардан 500 га яқин давлат арбоблари, сиёсатчилар, йирик бизнес вакиллари ва экспертлар иштирок этмоқда. Ҳафталикдан кўзланган мақсад — хорижий ва миллий экспертлар, таҳлилчилар ўртасида Янги Ўзбекистондаги демократик ислоҳотлар, эришилган ютуқлар, навбатдаги долзарб вазифалар, мамлакатда вужудга келаётган мутлақо янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий макон ва муҳит, давлат ташқи ҳамда ички сиёсати устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашишдир.

Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси Лорд Уортон, машҳур телебошловчи Али Аслан, халқаро муносабатлар соҳасида катта тажрибага эга экспертлар — сэр Девид Ричмонд, Жорж Айжан, халқаро журналист Стивен Коул каби таниқли модераторлар жалб этилган анжуман доирасида тадқиқот ва таҳлилий марказлар, бизнес ҳамжамият, вазирлик ва идоралар томонидан 50 дан зиёд конференция, давра суҳбати ва амалий мулоқотлар ташкил этилади.

“CNN” телеканали ҳафталикнинг медиа ҳамкори ҳисобланади. Тадбирлар “Euronews” ва бошқа нуфузли хорижий оммавий ахборот воситалари орқали ҳам кенг ёритилмоқда.

Дастурга мувофиқ, 3 июль куни Маданий мерос агентлиги томонидан қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Темурийлар тарихи Давлат музейида “Темурийлар даври дурдоналари” номли кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу кўргазмада музей хазинасида сақланаётган ноёб ашёлар билан бир қаторда юртимиздаги бир неча музейлар, жумладан, Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз давлат музей-қўриқхонаси, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси, Бухоро давлат музей-қўриқхонаси, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ҳамда Ўзбекистон тарихи давлат музейи хазиналарида сақланаётган темурийлар даври дурдоналари илк маротаба бир ерга тўпланиб, намойиш этилмоқда.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, маданият ва туризм вазири Озодбек Назарбеков, Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш уюшмаси асосчиси ва президенти (Франция) Фредерик Бопертюи-Брессан, Туркия фанлар академияси президенти Музаффер Шекер ва бошқалар иштирок этган тадбирда “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” китоб-альбомлар сериясининг 50 жилди Темурийлар тарихи Давлат музейига топширилди.

Тошкент тарихи давлат музейида эса “Амалий санъат дурдоналари” номли кўргазма очилди. Кўргазма музейнинг “Этнография” фондида сақланаётган амалий санъат коллекциялари, миллий либослар, дўппилар, миллий матолар, тўқувчилик, мискарлик ва кулолчилик ашёларидан ташкил топган. Хусусан, унда XIX-XX асрларга мансуб миллий либослар, дўппилар, матолар, кандакорлик, каштачилик ва ёғоч ўймакорлиги ашёлари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида очилган “Туркистон авангарди: макон ва замон оралиғида” номли кўргазма ҳам кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди. Мазкур кўргазмада мамлакатимиз музейларида сақланаётган ноёб ва нодир санъат асарларининг ўзига хос экспозицияси жамланган. Шунингдек, унда И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи ҳамда Ўзбекистон давлат санъат музейидан келтирилган экспонатлар намойиш этилаётир.

## Сўз — тадбир иштирокчиларига

**Фирюза МЕЛВИЛЛ, Кембриж Форс тадқиқотлари марказининг тадқиқотлар бўйича директори (Буюк Британия):**



— Ўзбекистоннинг барча жабҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлари билан яқиндан танишиш, бой маданий меросини тарғиб этишга қаратилган ушбу муҳим халқаро анжуманда иштирок этаётганимдан мамнунман.

“Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” лойиҳасининг бевосита қатнашчиси сифатида айтишим мумкинки, ўзбек замини азалдан илм-фан ва маданият бешиги бўлиб келган. Бу ерда яратилган бой маданий ва маънавий мерос нафақат минтақа, балки жаҳон цивилизацияси тараққиётида ғоят муҳим ўрин тутади. Минтақа халқлари аждодларининг адабиёт, мусиқа, архитектура каби нафис санъат соҳаларида қолдирган беқиёс тафаккур гулшани бугунги кунда ҳам ўз оҳанрабоси билан илму маърифат аҳлини ром этиб келмоқда.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Президентининг бевосита ёрдами билан бир қатор давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ўтган давр мобайнида Ўзбекистон маданий меросини тадқиқ этиш борасида жуда катта ибратли ишлар амалга оширилди. Ўтказилаётган ҳафталик Ўзбекистон ҳудудида яратилган улкан маданий мерос билан янада яқиндан танишиш имкониятини бериши билан эътиборга молик.

**Сергей ЛАПТЕВ, Ўзбекистон Маданий меросини ўрганиш, асраш ва тарғиб қилиш бўйича Бутунжаҳон жамияти бошқаруви аъзоси, Миҳо музейининг махсус тадқиқотчиси (Япония):**



— Ўзбекистон маданий меросига бағишланган ҳафталикни ҳар йили ўтказиш анъанага айланди. Бу сафаргиси эса ўзига хос, тарихий шароитда ўтаётгани билан эътиборга моликдир. Негаки, ҳафталик халқингиз Янги Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси учун овоз берган ва муддатидан илгари Президент сайловига тайёргарлик кўраётган бир пайтга тўғри келмоқда.

Аёнки, Ўзбекистондаги улкан ўзгаришлар бевосита минтақа тақдирига ҳам таъсир ўтказмай қолмайди. Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган мамлакатингиз ҳамиша бой, бетакрор маданий мероси билан Шарқ ва Ғарбдаги турли халқлар ҳамда маданиятларни озиқлантириб келган. Шу ўринда айнан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида ўтказилаётган ислоҳотлар туфайли қадимий Буюк Ипак йўли замонавий ва янги кўринишда тикланаётганига эътиборни қаратмоқчиман. Давом этаётган ўзгаришлар силсиласида нафақат Ўзбекистон халқининг турмуш даражаси юксалди, балки дунёда унинг обрў-эътибори ошиб бораётир. Бунда мамлакатнинг маданий салоҳияти муҳим ўрин тутади. Ва шу орқали юртингиз бугун халқаро миқёсда ўз имижини яратмоқда. Қизғин кечаётган маданий тадбирлар ҳам Ўзбекистон маданияти ва қадриятларини тарғиб этиш ишига муносиб ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

**Александр ВИЛЬГЕЛЬМ, “Mueller&Schindler” нашриётининг маркетинг ва ривожланиш бўйича вице-президенти (Австрия):**

— Ўзбекистон меросини дунё бўйлаб излаш ва асраб-авайлаш лойиҳаси юзлаб мамлакатларни бир-бирига яқинлаштирадиган ажойиб имкониятдир. Ўзбекистон ўз маданий меросини ҳимоя қилиш борасида барча мамлакатларга ўрнак кўрсатмоқда. Ренессанс даври — мамлакат шароитида ўз илдизини, ўзига хослигини, анъаналарини сақлаб қолиш, шу билан бирга, олға интилиш, ривожланиш демакдир. Ўзбекистон бу мувозанатнинг муҳимлигини англаб етди. Шубҳасиз, унинг маданий меросига қаратилаётган бундай катта эътибор таҳсинга лойиқ. Бу борадаги ишларнинг катта қисмини Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти бажармоқда.



Фурсатдан фойдаланиб, Париждаги Лувр музейида Ўзбекистон маданий меросига бағишлаб ташкил этилган кўргазмага ҳам тўхталиб ўтсам. 6 март куни якунланган “Ўзбекистон воҳалари мўъжизалари. Карвон йўллари чорраҳасида” кўргазмасига 260 мингдан ортиқ кишилар ташриф буюрди. Бу узоқ кутилган лойиҳага тайёргарлик кўриш учун тўрт йил керак бўлди. Парижнинг машҳур музейида намойиш уюштириш учун 70 дан ортиқ нодир кулолчилик, ёғоч, металл, деворий санъат ва қоғоз буюмлари қайта тикланди. Унда Ўзбекистон музейларидан жами 138 та экспонат тақдим этилди. Ва минтақанинг бой маданий мероси илк бор дунёдаги энг йирик музейлардан бирида намойиш этилиб, Буюк Ипак йўли тарихини халқаро жамоатчиликка кўрсатиб берди.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА

# «ЎЗЧАРМСАНОАТ» УЮШМАСИ — ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ТАНЛОВИ НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБИ

*Мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ҳам жамият ва давлат ишларини бошқаришда аёлларнинг тенг иштирок этишига эришишга қаратилган. Бу борада, албатта, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, аёлларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш борасида қилинадиган ишлар кўламини янада кенгайтириш лозим.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада ривожлантиришда ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қонунчилик ҳужжати қабул қилингани айни соҳада салмоқли қадамлар ташланаётганини кўрсатиб турибди.

“Ўзчармсаноат” уюшмасида ҳам хотин-қизлар билан ишлашда амалга оширилаётган ибратли фаолият уларни “Гендер тенглик фаоли” миллий танловининг “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ННТ” номинацияси бўйича ғолиб деб топилишида муҳим роль ўйнади.

— Албатта, бу бизнинг зиммамизга жуда катта масъулият юклайди, — дейди “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси Фахриддин Бобоев. — Келгусида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенглик тамойилига асосланган сифатли иш тизимини янада мустаҳкамлаш йўлида астойдил фаолият олиб борамиз. Уюшмамиз тизимида малакали дизайнер ва технолог аёл кадрларни тайёрлаш мақсадида қатор чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда. Масалан, уюшмамиз ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан анъанавий ўтказиб келинадиган “UzCharmStyle” халқаро кўргазмасида қатнашувчиларнинг 60 фоиздан ортиғини ёш талаба қизлар ташкил этади. Уларнинг ижодий ишларини маҳаллий корхоналарда амалга ошириш бўйича алоҳида дастур асосида ишлар йўлга қўйилган. Шунингдек, Туркия, Буюк Британия, Беларусь, Россия университетлари билан имзоланган ҳамкорлик шартномаларига асосан хорижда ўқиш истагида бўлган талаба қизларнинг ушбу давлатлардаги олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун шароитлар яратилмоқда.



Мазкур танлов ҳар йили хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, оила ва аёллар ҳуқуқларини таъминлаш, қўллаб-қувватлаш, шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш бўйича ишларни рағбатлантириш мақсадида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ўтказиб келинмоқда.

Жамиятда аёллар ўрни ва ролини мустаҳкамлашда “Ўзчармсаноат” уюшмасининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Уюшмада гендер тенглик масаласига алоҳида эътибор қаратилиб келинаётгани сўзимизга ёрқин мисол бўла олади. Уюшма тизимидаги корхоналарда меҳнат қилаётган аёлларга қулай иш вақти ҳамда меҳнат шароитлари яратиб беришга алоҳида эътибор берилаётир. Қувонарлиси, чармсаноат соҳасида меҳнат қилаётган хотин-қизлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда соҳада 71 мингдан зиёд ишчилар фаолият олиб бораётган бўлса, улардан 30 мингга яқинини хотин-қизлар ташкил этади.



Уюшма тасарруфидаги корхоналарда хотин-қизлар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилган. Нозик хилқат эгалари меҳнатига мос тарзда ва ўз вақтида иш ҳақи тўлаб борилаётгани, ҳомиладор, вояга етмаган фарзанди бўлган ва бошқа тоифадаги аёлар учун қўшимча имконият ва енгилликлар яратилгани, айниқса, ибратга лойиқ.

Жорий йилда 130 та корхона модернизация қилиниши эвазига, ҳудудларда 9 минг нафарга яқин янги иш ўринлари очиш кўзда тутилган бўлиб, шундан хотин-қизлар улуши 30 фоизни ташкил этади. Яратилган янги иш ўринларига малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ҳудудлардаги ишсиз хотин-қизлар тикувчилик, дизайнерлик касбларига ўқитиляпти. Айни чоғда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда “Ўзчармсаноат” уюшмаси билан ҳамкорликда, “Дизайн маркази” иштирокида хотин-қизларни касбга тайёрлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш режалаштирилган. Ҳудудларда “аёллар дафтари”,“темир дафтар”га киритилган аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда “Ўзчармсаноат” уюшмасининг “Чарм ва пойабзал дизайни маркази” шуъба корхонаси ҳамкорлигида “Аёлларни касбга ўргатиш” махсус ўқув дастури тайёрланмоқда.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## NAVOIY DAVLAT KONCHILIK VA TEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI

**quyidagi vakant lavozimlarga tanlov e'lon qiladi:**

**I. Kafedra mudiri:**

1. Metallurgiya;
2. O'zbek va chet tillari.

**II. Quyidagi kafedralar professor, dotsent, katta o'qituvchi, assistentlariga:**

**Konchilik ishi:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin;

**Noyob va radioaktiv metallar rudalarini qazish va qayta ishlash:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin;

**Konchilik elektr mexanikasi:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin, assistent — 1 o'rin;

**Hayot faoliyati xavfsizligi:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin, katta o'qituvchi — 1 o'rin, assistent — 1 o'rin;

**O'zbek va chet tillar:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin, katta o'qituvchi — 1 o'rin;

**Agronomiya:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin;

**Mashinasozlik texnologiyasi:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin;

**Elektr energetikasi:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin, assistent — 1 o'rin;

**Umumiy fizika:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin, assistent — 1 o'rin;

**Avtomatlashtirish va boshqaruv:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin, katta o'qituvchi — 1 o'rin, assistent — 1 o'rin;

**Ijtimoiy-gumanitar fanlar:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin;

**Oliy matematika va axborot texnologiyalari:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin, katta o'qituvchi — 1 o'rin, assistent — 1 o'rin;

**Metallurgiya:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin, assistent — 1 o'rin;

**Iqtisodiyot va menejment:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin, katta o'qituvchi — 1 o'rin, assistent — 1 o'rin;

**Kimyoviy texnologiya:** professor — 1 o'rin, dotsent — 1 o'rin, katta o'qituvchi — 1 o'rin, assistent — 1 o'rin.

**Tanlovda ishtirok etish uchun quyidagi hujjatlar topshirilishi shart:**

1. Rektor nomiga ariza;
2. Kadrlarni hisobga olish bo'yicha shaxsiy varaqa (So'rovnoma);
3. Ma'lumotnoma;
4. Oliy ma'lumot to'g'risida diplom;
5. Ilmiy daraja, ilmiy unvon, shuningdek, ilmiy ishlar, ixtirolar mavjud bo'lgan taqdirda, ularga tegishli diplomlar, attestatlar;
6. Ilmiy-uslubiy ishlar;
7. Malaka oshirish to'g'risida guvohnomalar;
8. Pasport nusxasi.

**Izoh:** hujjatlar e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddatda qabul qilinadi.
**Manzil:** Navoiy shahri, G'alaba shohko'chasi, Navoiy davlat konchilik va texnologiyalar universiteti, o'quv-uslubiy bo'limi.
**Murojaat uchun telefon: 79-223-57-33.**

## «Жанубий йўл қуриш» МЧЖ кредиторлари диққатига!

«Жанубий йўл қуриш» МЧЖ таъсисчисининг 2023 йил 9 июндаги қарорига асосан, корхона «Каттақўрғон йўл қуриш-таъмирлаш» МЧЖга бирлаштирилаётгани сабабли «Жанубий йўл қуриш» МЧЖ кредиторлари хабар эълон қилинган санадан эътиборан 30 кун ичида корхонанинг тегишли мажбуриятлари муддатидан илгари тугатилиши ёки бажарилиши юзасидан Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, «Бўстон» МФЙга (корхона офиси) ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 741. 13 655 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6